

СЎЗ САЊАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№2 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2025-2>

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммаед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Туробов Бекпулат
масбул котиб, PhD, доцент
(Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммаед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Жеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Балтабоев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддиқова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Туробов Бекпулат
отв. секретарь, PhD, доцент
(Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Turobov Bekpulat
PhD Ass. prof. Senior Secretary
(Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Murodova Mo'tabar Ibodullayevna TILAKLAR VA OLQISHLARNI NUTQIY AKTLAR SIFATIDA LINGVISTIK NUQTAI NAZARDAN TAHLILI...	5
2. Yusupova Soxiba Islombek qizi O'ZBEK BOLALAR O'YIN QO'SHIQLARIDA ATOQLI OTLARNING QO'LLANILISHI.....	9
3. Lolayeva Gulniso Geldiyorovna GAZETA MATNINING UMUMIY VAZIFALARI.....	13
4. Sharopova Ra'no, Karimova Latofat HOZIRGI O'ZBEK TILIDA "TARBIYA" LEKSIK-SEMANTIK MAYDONI TARKIBI VA TASNIFIQA OID QARASHLAR.....	18
5. Намазова Манзура Ураковна ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ЖИЗНИ И ЧАСТИ ИММИГРАНТОВ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....	24
6. Sadriddinzoda Safiya Shaxobiddinovna AMPHIBOLOGY IN ENGLISH RELIGIOUS LEXICOLOGY.....	32
7. Esirgapov Mukhiddin Nizomiddinovich THE INFLUENCE OF THE INTERNET AND DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE ENGLISH LANGUAGE.....	37
8. Karimova Dilorom Shavkatovna VERBAL AND NON-VERBAL INTERPRETATION OF THE CONCEPTS OF "DEATH" AND "LIFE".....	43
9. Narzullaeva Dilnoza Sanatovna CONCEPTUAL METAPHOR THEORY: EXPLORING THE ROLE OF METAPHOR IN CONCEPTUALIZING ABSTRACT CONCEPTS.....	48
10. Шахзод Турниязов ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЛИНАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРДА МУАЛЛИФ УСЛУБИНИ САҚЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР (О. ГЕНРИ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА).....	52
11. Matkarimova Gulira'no Abdullayevna XALQ OG'ZAKI IJODI VA MIFOLOGIK MANBALARDA UCHRAYDIGAN FITONIMLARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI.....	63
12. Алена Ядмагиевна Иванова ВЛИЯНИЕ КОНФУЦИАНСТВА НА ПРОЯВЛЕНИЕ ЭМОЦИЙ.....	68
13. Yunusova Gulshoda Dilshadovna EKVIVALENTLIK VA FE'L VALENSIYASI.....	80
14. Eshboyev Qahramon Bakir o'g'li O'ZBEK TILI SINONIMIK LUG'ATLARIDA DARAJALANISH METODOLOGIYASI.....	85
15. To'liboyeva Gulnura Baxadir qizi PEYZAJ BADIY VOSITA SIFATIDA (O'ZBEK VA QORAQALPOQ SHE'RIYATI MISOLIDA).....	91
16. Холбобоева Нилуфар Бахтиёр кизи НАВОИЙГА ТАХМИС.....	96
17. Сайымбетов Шарафатдин Уракбаевич И. ЮСУПОВНИНГ «ДАЛА АРМОНЛАРИ» ПОЭМАСИДА ИНДИВИДУАЛ МЕТАФОРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	102
18. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	106
19. Xolova Muyassar Abdulhakimovna O'ZBEK SHEVALARIDA FONETIK O'ZGARISHLAR (Surxondaryo viloyati misolida).....	111
20. Malika Soliyeva INGLIZ TILIDAGI INTONATSIYANING AYRIM FONOSTILISTIK XUSUSIYATLARI.....	118
21. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ХУСУСИДА.....	122

22. Xurinsa Xudoyberdiyeva TROPLARNING USLUBIY XUSUSIYATI (Xosiyat Rustamova lirikasi misolida).....	128
23. Israilova Sayera Tashpulat qizi INTERFAOL USULLAR ORQALI INGLIZ TILIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH (Tarix yo‘nalishi talabalari uchun).....	133
24. Israilova Sayera Tashpulat qizi INGLIZ XALQ ERTAKLARI ORQALI BOSHLANG‘ICH SINFI O‘QUVCHILARIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH.....	137
25. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	143
26. Робиға Мамбетова ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	149
27. Ҳамидулла Годжиев ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ УМУММАЪРИФИЙ – УМУМАДАБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	154
28. Ergashova Rano Turaevna LINGUISTIC FEATURES OF AVIATION TERMINOLOGY IN ENGLISH, RUSSIAN, AND UZBEK LANGUAGES: SPECIFICITIES AND COMMONALITIES.....	160
29. Bobir Maxammadov MIKROSOFT VINDOVS OPERATSION TIZIMI TERMINLARINING LEKSIKOGRAFIK TAVSIFI MASALALARI: MUAMMOLAR VA VAZIFALAR.....	170
30. Xalimova Firuza Rustamovna POETIK MATNDA BADIY KONSEPTLAR VA METAFORALARNING KOGNITIV-ESTETIK TALQINI.....	176
31. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	182
32. Матлуба Шукурова ЭНАХОН СИДДИҚОВА ШЕЪРИЯТИДА “АЁЛ” КОНЦЕПТИНИНГ АКТУАЛЛАШУВИ.....	187
33. Tashkulova Zarnigor “SHARQ” KONSEPTI SEMANTIK MAYDONIDA PEYZAJNING IFODALANISHI (S. MOEM HIKOYALARI MISOLIDA).....	195




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Комила Мамадиёрова,
Самарканд давлат чет тиллар
институти ўқитувчиси,
мустақил тадқиқотчи

ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ХУСУСИДА

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.17087398>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ономастик бирликларнинг турли дискурсларга оид нутқий вазиятларда ўзига хос услубий хосланиши, уларда коннотатив ва экспрессив маънолар ифодаланишининг экстралингвистик омиллари хусусида фикр юритилган. Поэтонимия тушунчаси бадий асарлар доираси билангина чекланиб қолмай, турли нутқ услубларига хос тил ҳодиса эканлиги, стилистик бўёқдорликка эга бўлган ономастик номларнинг турли дискурсларда турлича эмоционалликка эга бўлиши, уларнинг қандай мақсадда ишлатилиши контекстга, дискурс тури ва мақсадига боғлиқлиги таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: онимлар стилистикаси, поэтоним, поэтонимия, бадий дискурс, ижтимоий-сиёсий дискурс, интернет лискурси, маиший дискурс.

Комила Мамадиёрова,
преподаватель Самаркандского государственного
института иностранных языков,
самостоятельный соискатель

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ФУНКЦИИ ОНОМАСТИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ

АННОТАЦИЯ

в статье рассматриваются стилистические особенности ономастических единиц в речевых ситуациях, связанных с различными дискурсами, экстралингвистические факторы выражения в них коннотативных и экспрессивных значений. Анализируется, что понятие поэтонимии не ограничивается сферой художественных произведений, а представляет собой языковое явление, специфичное для разных стилей речи, что ономастические имена со стилистической окраской имеют разные эмоции в разных дискурсах, а цель их использования зависит от контекста, типа и цели дискурса.

Ключевые слова: стилистика онимов, поэтоним, поэтонимия, художественный дискурс, общественно-политический дискурс, интернет-дискурс, бытовой дискурс.

Komila Mamadiyorova,
Samarkand State Institute of
International Languages teacher,
Independent researcher

METHODOLOGY FUNCTIONS OF ONOMASTIC UNITS

ANNOTATION

this article discusses the specific stylistic characteristics of onomastic units in speech situations related to various discourses, the extralinguistic factors of the expression of connotative and expressive meanings in them. It is analyzed that the concept of poetonymy is not limited to the scope of artistic works, but that it is a language phenomenon specific to different speech styles, that onomastic names with stylistic coloring have different emotions in different discourses, and the purpose of their use depends on the context, the type and purpose of the discourse.

Key words: stylistics of onyms, poetonym, poetonymy, artistic discourse, socio-political discourse, internet discourse, household discourse.

Ономастик бирлик(оним)ларнинг эстетик ифода хусусиятларини ўрганиш уларнинг стилистик имкониятларини кузатишга ёрдам беради. Номларнинг контекстда экспрессив бўёқдорлик касб этиши уларни нутқнинг турли услубларида қўллашнинг стилистик хусусиятлари ва бадий адабиётдаги эстетик ривожланишнинг бой анъаналари билан белгиланади. Муайян тилнинг стилистик ресурсларида антропонимлар, топонимлар, гидронимлар, идеонимлар, зоонимлар, фитонимлар муҳим ўрин эгаллайди, чунки улар оламнинг лисоний тасвирида инсон ҳаётининг турли қирраларини акс эттиришда ўзига хос тил бирликлари тизими сифатида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам онимларнинг лексик-семантик, стилистик, прагматик ва лингвопоэтик хусусиятлари азалдан олимларни қизиқтириб келган.

В.М.Калинкиннинг маълумот беришича, Афлотуннинг "Кратил" диалогда исмларнинг тўғрилиги масаласини муҳокама қиладилар ва Суқрат юнон афсоналари ва Гомер асарларидаги онимларнинг қаҳрамонлар характери ва хатти-ҳаракатларига мос келишига мисоллар келтиради [1;174].

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларида онимларнинг лексик-семантик хусусиятлари, этимологияси, услубий хусусиятларига эътибор қаратилганлиги атоқли отларнинг поэтоним сифатидаги услубий жиҳатларини ўрганишга замин ҳозирлаган.

Абу Райҳон Беруний ўз асарларида исмлар (антропонимлар) ва жой номлари (топонимлар)га катта эътибор қаратган, чунки улар тарихий, географик ва маданий маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилган. Беруний исмларнинг этимологиясини аниқлашга ва уларнинг маъносини тушунтиришга ҳаракат қилган. Хусусан, **“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”** (**“Kitab al-Athar al-Baqiya ‘an al-Qurun al-Khaliya”**), **“Ҳиндистон”** асарларида турли халқларнинг тақвимлари, байрамлари ва одатларини тасвирлаган. У турли халқларнинг исмларини таққослаб, улар ўртасидаги алоқаларни аниқлаган. У исмларнинг вақт ўтиши билан ўзгаришини, уларнинг турли маданиятлардаги маъноларини таҳлил қилган. Шунингдек, жой номларининг вақт ўтиши билан қандай ўзгарганлигини кузатган, қадимги номларни янгилари билан солиштириб, географик объектларнинг номлари қандай сабабларга кўра ўзгарганлигини тушунтиришга ҳаракат қилган. Берунийнинг асарларида исмлар ва жой номлари нафақат лингвистик ёки географик объектлар, балки тарихий, маданий ва этнографик маълумотлар манбаи сифатида қаралган.

Атоқли отлар (ономастика) Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Асарда туркий қабилаларнинг тарихий қаҳрамонлари, ҳукмдорлари ва улуғларининг исмлари (*Алп Эр Тўнга, Тўмарис, Ўғузхон, Қаз*); туркий халқлар яшаган

худудлар, тоғ, дарё, чўл, шаҳар ва қишлоқларнинг номлари (*Ўтўкан, Олтой, Сурдарё, Амударё, Барсқан*) қайд этилган.

Маълумки, лақаблар ҳам антропонимнинг бир тури ҳисобланади. М.Кошғарий асарида “турумтай – йирткич қушлардан бирининг номи” тарзида изоҳ берар экан, бу сўзнинг лақаб сифатида ҳам ишлатилишини айтиб ўтади: “Одам ҳам Турумтай деб аталади. Шундай лақаб берилади. [2;408] Арслон, бурслон каби сўзлар тавсифида ҳам бу номлар одамга нисбатан ҳам қўлланишини эслатиб ўтади. Бундай қараш бугунги давр нуқтаи назаридан ономастикага оид “эпоним” тушунчасига тўғри келади, яъни апеллятив номдан ономастик номга ўтиш ҳодисасини англатади. Луғатда эпонимнинг ўзбек тили учун характерли бўлган яна бир тури учрайдики, бу – этноним асосида пайдо бўлган топоним, яъни этнотопонимлардир: масалан, “яғма (яғмо) туркий халқларнинг бир тоифаси. Уларни қара [3;467] яғма деб ҳам атайдилар. Яғма – Тароз яқинидаги бир қишлоқ. Бу сўзнинг асли аввалги сўздандир”[4;261].

Умуман олганда, ономастик бирликлар таҳлили барча даврларда муҳим аҳамиятга эга бўлган. XX асрга келиб уларнинг контекстда турли маъно ва мазмун англатиши хусусида кенг фикр юритилиб, Ю.А.Карпенко тавсияси билан “поэтоним” тушунчаси асосида тадқиқ этила бошланди. Х.У.Махсудованинг баён қилишича, Ю.А.Карпенко 1984 йилда Лейпцигга бўлиб ўтган Халқаро Ономастика Конгрессида ўзининг умуммиллий тил ва бадиий адабиётдаги атоқли отларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида мутахассисларга жуда қисқа, беш хил мулоҳаза баён қилинган бир саҳифадан иборат фикрларини тақдим этади. Бу тезисларда поэтонимлар илк бор алоҳида масала сифатида илмий мунозарага киритилган [5;144]

В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, А.В.Суперанская, Э.Б.Магазаник, В.Н.Михайлов, Т.В.Немировская, В.А.Никонов, А.С.Бушмин, В.А.Кухаренко, М.В.Карпенко ва бошқаларнинг асарларида ономастиканинг турли масалалари ўз аксини топган бўлса, ономастик номларнинг, айнан, поэтоним сифатидаги асосий хусусиятлари ва вазифалари М.В.Калинкин, Э.Б.Магазаник, Э.Ф.Исаева, К.А.Элистратова, С.П.Василева, К.А.Дегтяренко, М.А.Дмитровская, А.С.Донченко, Э.В.Копиринанинг асарларида ёритилган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам сўнги йилларда бу борада З.Р.Муқимова, Х.У.Махсудова, Г.Тошова, Э.Жабборов, Д.Абатов, М.Х.Хамидова, Р.Тоғиматов ва бошқаларнинг қатор мақола ва тезислари [6;153] эълон қилинди. Бизнингча, поэтонимия тушунчаси фақатгина бадиий асарлар доираси билангина чекланиб қолмай, турли нутқ услубларига хос тил ҳодисасидир. Поэтонимлар, яъни стилистик бўёқдорликка эга бўлган ономастик номларнинг турли дискурсларда турлича эмоционалликка эга бўлиши, уларнинг қандай мақсадда ишлатилиши контекстга, дискурс тури ва мақсадига боғлиқдир.

Ижтимоий-сиёсий дискурда прецедент номларга мурожаат қилиш маълум бир ижтимоий муаммога аҳамият қаратишга ёрдам беради.

Масалан, *Покистон Ғазога 100 тонна гуманитар ёрдам юборди* тарзидаги сарлавҳа бутун жамоатчилик эътиборини тортишга қаратилган бўлиб, Ғазо секторидаги вазият ҳақида маълумот беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида: “Биз учинчи Ренессанс даврига қадам қўяр эканмиз, бизга янги **Навоийлар, Мирзо Улуғбеклар, Бобурларни** етиштириб берадиган тизим керак. Ёшларимиз билимли бўлиб улғайиши учун ҳамма ишни амалга оширамиз. Бу асосий вазифаларимиздан биридир”[7;271]- деб таъкидлайди. Ўзбек халқининг миллий онгида юксак эътироф этиладиган бундай номларнинг келтирилиши ёшлар таълим-тарбиясига янада кучлироқ эътибор қаратиш, уларнинг илмини ошириш, иқтидорлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Публицистик дискурда поэтонимлар тасвирланаётган ҳодисанинг қайси жиҳати муҳимлигини таъкидлаш, муаллифнинг муносабатини ифодалаш, ўқувчида маълум ҳис-туйғуларни уйғотиш учун қўлланилиши мумкин.

М: Самарқанднинг замонавий “Ҳаво дарвозаси” очилди. Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жадиди Кўрагоний” китобининг очиқ ҳолдаги кўринишида бунёд этилган “Самарқанд” халқаро аэропорти фойдаланишига топширилди.[8;234]

Матнда аэропорт сўзининг ўрнига “Ҳаво дарвозаси” окказионал тасвирий ифодаси билан берилганлиги ахборотнинг таъсирчанлигини ошириб, ўқувчи эътиборини тортишга хизмат қилади. Шунингдек, “Зижи жадиди Кўрагоний” идеонимининг қўлланиши ҳам матн қийматини оширган.

Бадийий дискурса онимларнинг қандай вазиятда, қандай қаҳрамон ёки муаллиф томонидан ишлатилиши унинг эмоционал таъсирини белгилайди. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” асари қаҳрамонлари маънавий қадриятлар тимсоли ҳисобланади. Подшоҳ “Кунтуғди” – адолат тимсоли, вазир “Ойтўлди” – бахт-саодат рамзи, вазирнинг ўғли “Ўгдулмиш” – ақл ва билим, “Ўзғурмуш” эса руҳий покланиш тимсоли сифатида тасвирланади. Бу номлар кучли ғоявий-бадийий эффектга эга бўлиб, рамзлар даражасига кўтарилган.

Маиший дискурса оддий суҳбатда онимлар, одатда, гапни жонлантириш, кимларнидир ёки нималарнидир ёдга олиш, суҳбатдошларга эслатиш, ифодани бойитиш, кайфият улашиш учун қўлланилиши мумкин.

Маълумки, онимлар ҳар бир тилнинг ўзига лексик қатлами бўлиб, коммуникатив функциясига кўра, турли коннотатив маъноларни ифодалай олади. Масалан, ахлоққа Қува бир тош маталида Қува топонимит яқин масофа маъносини ифодалашга хизмат қилади. Исmlар эса шахс ҳақида (миллати, дини, ижтимоий мавқеи) маълумот бериши, муносабатларни (ҳурмат, яқинлик, истехзо) ифодалаши ва муайян ҳис-туйғуларни (ишонч, нафрат) уйғотиши мумкин. Баъзан ноўрин танланган исм тил ташувчилари томонидан қабул қилинмаслиги нохуш ҳолатга олиб келади.

Чақалоққа машҳур футболчи исмига тақлид қилиб *Пеле* деб исм қўйишди. Уни футболчи бўлишини истаиди. Бешигига ҳам тўпчалар илиб қўйишди. Чақалоқни кўргани келганлар исмини эшитгач, бир кулиб олишарди. Гарчи отасининг гирт футбол жинниси эканлигини билишса-да, қандайдир эриш эди бу. Отасини танимаганлар бу исмни эшитгач, қулоқларига ишонмай, яна қайта сўрашарди: “Ростдан Пелеми, ўзбекча исм қўймабсизларда... майли, катта бўлсин, умри билан берган бўлсин...” Лекин бу ишни юракдан оқлаган бирор инсон топилмасди. (Э.Оқбўтаев, “Тақлид”)

Бундан кўринадики, миллий менталитетга хос бўлмаган номлар миллий онгда қабул қилиниши қийин кечиб, психологик зўриқишга олиб келиши мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бошқа маданият, бошқа миллат вакилининг исми сифатида у оддий қабул қилинади, лекин ўзбек кишиси учун ёт ном саналади. Собиқ иттифоқ даврида ҳам бундай ҳодисалар тил ташувчилари томонидан салбий баҳоланган: *Маркс, Вилен, Роза* каби исmlар ноодатий қабул қилинган.

Суд-ҳуқуқ дискурсида “ўртоқ Қодиров”, “ҳурматли Аҳмедов” тарзида муружаат қилиниши мулоқот жараёнига расмий тус беради ва томонлар ўртасидаги ижтимоий масофани сақлаб туришга ёрдам беради. Суд ва у билан боғлиқ жараёнларда кўрилаётган судлов ишига оид иш ҳужжатларининг номлари ҳам муҳим дискурсив аҳамиятга эга бўлиб, суд дискурсининг ишчи тартибини белгилаб беради.

М.: Зарарни ундиришни икки хил тартиби: жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал тартиб мавжуд. Жиноят-процессуал тартиб махсус тартиб ҳисобланади ва **ЖПК**нинг 38-бобида (304–313-моддаларида) назарда тутилган.[9;543]

Мазкур матнда ЖПК – “Жиноят-процессуал кодекси” идеонимининг қисқартма шакли бўлиб, ономастик ном ҳисобланади.

Спорт дискурсида муҳлислик мақоми муҳим роль ўйнайди. Спорт жамоалари ёки индивидуал спортчиларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун дискурсининг бу турида ҳар бир ономастик ном эътибордан четда қолмайди.

М.: Диёра Келдиёрова дзюдо бўйича Париж олимпиадасининг олтин медалини кўлга киритди. У терма жамоага илк медални тақдим этиш билан бирга ёзги олимпиада ўйинлари тарихида совриндор бўлган биринчи ўзбекистонлик аёл спортчи бўлди.[10;365] Ахборот-коммуникация ривожланган бугунги тезкор даврда мазкур хабарнинг экспрессив таъсири Диёра Келдиёрова номини бир неча дақиқада бутун Ўзбекистон халқига танитди. Ҳатто, янги туғилган чақалоқларга ҳам Диёра исми танланди.

"Андижон" - "Пахтакор" ўйинини Хайрулла Ҳамидов шарҳлайди. ("Телеграм" каналидан)

Мазкур хабарнинг экспрессив таъсири шундаки, иқтидорли шарҳловчи Х.Ҳамидов номининг таъкидланиши хабарга "ўйинни завқланиб кўриш имконияти бор" деган прагматик маъно юклайди ва унинг жозибadorлигини оширади.

Спорт дискурсида спорт жамоаларининг номлари ҳамда топонимлар ҳам "гапиради". Масалан, Бразилия, Барселона, Италия, Англия топонимлари футбол, Япония ва Хитой номлари карате, АҚШ бейсбол мухлислари учун қадрли ҳисобланади.

Интернет дискурсида ҳам ономастик номлар муҳим услубий функцияларни бажариши билан аҳамиятлидир.

Айтишларича, кечаги Ширмонбулоққа тўкилган химиявий воситалар Амазонка дарёсидан оқиб келган экан.. Шу сабаб айбдорни топиша олмаётган экан...("Фейсбук" каналидан)

Киноя тарзида ёзилган бу лўкма "Kun.uz" сайтида берилган қуйидаги хабарга ишора тарзида ёзилган.

26 июл куни Жанубий Фарғона каналининг Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғидан ўтувчи қисмида қуюқ оқ кўпик оқди. Бу кўпик нималиги, уни ким оқизгани ва экологияга қанча зарар етгани маълум эмас.[11;152]

Гап шундаки, ушбу контекстда каналга кимёвий моддаларнинг ким томонидан тўкилганлиги аниқланмай қолгани факти билан Амазонканинг Ширмонбулоқдан жуда олисда, бошқа материкда эканлиги ҳақидаги маълумот ўқувчи онгида тўкнашиб, кулгу ҳосил қилади.

Баъзан ном қўйилишидан кутилган мақсад натижа бермаслиги ҳам мумкин. Масалан, "Телеграм" каналида @MuhammadAliAhmadUz ник эгаси ўзи очган шахсий гуруҳини "Қорақуш" деб номлаган ва "ҚОРАҚУШ-Муштарий юлдузи (Юпитер сайёраси)" деб изоҳ ёзиб қўйган. Маълумки, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида Юпитер сайёрасининг номи Қорақуш вариантыда учрайди. Ономастикада космонимлар асосида номлаш анъанаси мавжуд бўлиб, гуруҳни сайёра номи билан аташ одатий ҳол. Юпитер сайёраси ёки шарқона услубдаги Муштарий юлдузи номини антропоним, топоним, идеоним кабилар сифатида қўллаш кўп учрайди, лекин унинг архаиклашган Қорақуш варианты бугунги давр учун ноодатий ҳисобланади. Шунинг учун гуруҳнинг "Қорақуш" деб номланиши кутилган натижа бермайди. Сабаби, Интернет фойдаланувчилари уни баландпарвоз, шоирона ғоявий бадиий-эстетик маънода эмас, балки оддий зооним, яъни қушнинг номи сифатида қабул қилишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, онимларни услубий-функционал хусусиятлари жиҳатидан тилшунослиқда, хусусан, стилистика ва прагматика соҳаларида чуқур ўрганилиш зарурати мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Tojimatov R.G'. Muhammad Yusuf ijodida qo'llanilgan poetonimlarning lingvopoetik jihatdan tahlil qilish tamoyillari // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(12), 2023. – Б.174-180 ва бошқалар.
2. Калинин В.М. Поэтика онима. Донецк: 1999. – 408 с.
3. Махсудова Х.У. Поэтоним – ҳам ономастик, ҳам лингвопоэтик бирлик сифатида // International Conference on Research in Humanities, Applied Sciences and Education. Hosted from Berlin, Germany, № 6, 2022. – Б.467-470

4. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. III том // Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент, 1960. – Б.261
5. Тошова Г.Ономастик бирликларнинг бадий матндаги ўрни // Новости образования исследование в XXI веке. Международный научный журнал № 8 (100), часть 1, 2023. – Б.144-153
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
7. Даниярова Ш.Х. Истиклол даври романларида миллий руҳ ва қаҳрамон муаммоси. Филол. фанл. докт. ... дисс. автореферати–Т., 2012. – Б.11
8. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т.3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktria press, 2013. – Б.271
9. <https://kun.uz/kr/39613944>
10. <https://uza.uz/uz/posts>
11. <https://www.gazeta.uz/uz/list/articles/>
12. Жавбўриев М.М. Бадий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш. Филол. фанл. номз. ... дисс. – Т., 1991. – Б.43
13. Ахмаджонов Н.З. Шеърятда қўлланилган поэтонимланинг функционал семантик вазифалари // <https://docviewer>
14. Бекмуродов Н. Чиройли исмлар тўплами. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 376 б.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000